O'ZBEKISTON

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ
МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2002 йил, 2 апрель, сешанба № 40 (1616). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН
МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 2 апреля, 2002 год № 40 (1616). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

ПУЛ МАССАСИ ЎСИШИНИ ЧЕКЛАШ ВА МОЛИЯ ИНТИЗОМИГА РИОЯ ЭТИШ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Пул массасини бошқаришни такомиллаштириш, банкдан ташқари айланмани қисқартириш, молия интизомига риоя этиш ва олинган кредитларни ўз вақтида қайтариш масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларини муомалага чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари давлат қимматли қоғозлари ҳисобланади ва юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг ликвидлиги Марказий банк тасарруфидаги барча активлар билан таъминланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Марказий банк облигацияларини чиқаришнинг асосий шартларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда тегишли норматив-методик ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқласин;

пул массасини тезкор бошқариш мақсадида валюта ва пул депозитлари, давлат қимматли қоғозлари ва бошқа биринчи тоифали активлар таъминоти остида, пул бозорида вужудга келаётган фоиз ставкалари асосида тижорат банкларига уч ойгача бўлган муддатга кредитлар берсин ва жалб қилсин.

3. Ўзбекистон Банклар уюшмаси, тижорат банкларининг пластик карточкалар бўйича миллий ва хорижий валютада ҳисоб-китоблар ўтказишни таъминловчи ягона банклараро процессинг марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Тижорат банклари пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган банкоматлар ва жихозларни импорт қилишда божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан 2005 йил 1 январгача озод қилинсин.

4. Тижорат банклари:

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда иш ҳақи тўлашда, чакана савдони амалга оширишда, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловда якка тартибдаги ва корпоратив пластик карточкаларни кенг жорий этиш, аҳолига хизмат кўрсатувчи мини-банклар, банк кассалари ва банкоматлар тармоғини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсин;

ликвидли мол-мулкларни, шу жумладан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини, транспорт воситаларини ҳамда корхона ва ташкилотларнинг бошқа ликвидли активларини гаровга қўйган ҳолда кредитлар бериш амалиётини кенгайтирсин;

кредитлар беришда тавакалчиликни ва гаровнинг бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда қайтаришлик, муддатлилик ва ўзини ўзи қоплаш тамойилларига қатъий риоя қилсин;

кредитлар муддатини узайтириш амалиётини кескин чекласин, фақат кечиктирилган муддат даврида қайтарилиши учун маблағлар тушишининг аниқ манбалари бўлган кредитларнинг тўлов муддатини кечиктиришга рухсат берсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредит бўйича уларнинг мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъи назар, кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан банк мулкига ўтади.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кредитлар бўйича қарзлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда тижорат банкларига:

қарздорларнинг иккиламчи ҳисоб рақамига, шу жумладан уларнинг бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисоб рақамига ижро этилиши мажбурий бўлган инкассо талаблари қўйиш:

Ҳукумат кафолати остида берилган кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш учун пул маблағларини ҳисобдан чиқаришни иш ҳақи, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар навбати билан ўтказилгандан сўнг амалга ошириш;

қарздорнинг пул маблағлари етишмаган тақдирда кредит бўйича қарзларни қарздорнинг розилигига кўра унинг ликвидли мол-мулки ҳисобидан ёки ҳўжалик суди орқали қарздорнинг мол-мулкига қаратиш йўли билан ундириш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди банк кредитлари бўйича, қарзлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда ундиришни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

6. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига кредит ресурслари ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ва амалга ошириш бўйича қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳамда қарз маблағларининг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда Молия вазирлиги томонидан тижорат банклари кредитларининг таъминоти учун берилган кафолатларни бажариш механизми тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлашнинг ягона шартларини шакллантириш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида янги ташкил этилаётган хусусий тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдорига бўлган талабни 1,25 млн. АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти ҳажмида белгиласин;

2002 йилнинг 1 июнидан бошлаб тижорат банклари томонидан ўз маблағларини ва жалб этилган маблағларни ички активларга жойлаштириш миқдори тўланган устав капитали ва банкнинг ички мажбуриятлари миқдоридан кам бўлмаслиги тўғрисидаги талабни жорий этсин.

8. Хўжалик юритувчи субъектларга шакллантирилган устав жамғармаси миқдоридан ортиқ бўлмаган ҳажмда ўз облигацияларини чиқариш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йилнинг иккинчи яримидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг, биринчи навбатда республиканинг молиявий аҳволи барқарор, юқори ликвидли активларга ва катта миқдордаги пул оқимларига эга бўлган йирик корхоналари ва компанияларининг корпоратив облигацияларини чиқариш чора-тадбирларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2002 йил 30 март.

● НАВСТРЕЧУ КОНТРОЛЬНОЙ ПРОВЕРКЕ

ДЕСАНТУ ВСЕ ПО ПЛЕЧУ

Командиру десантно-штурмового подразделения старшему лейтенанту Анвару Джаббарову не впервой готовить своих подчиненных к такому важному экзамену, как контрольная проверка. Имеются уже определенные опыт и наработки и, тем не менее, ощущение волнения, если не сказать тревоги, все же присутствует. Хоть и знает досконально офицер своих подчиненных, но в то же время прекрасно понимает, что перед строгими экзаменаторами даже самые опытные специалисты могут дрогнуть или, выражаясь языком спортсменов, перед лицом чрезмерной ответственности попросту «перегореть». Как избежать досадных случайностей, как вселить веру в сердца десантников, чтобы в нужный момент выдержка и хладнокровие не изменили им? Ответ один: до совершенства довести уровень их боевой выучки. Именно этому и была посвящена вся служебная деятельность офицера Джаббарова в зимнем периоде обучения.

Никакого упрощенчества, никаких послаблений ни себе, ни подчиненным — вот что стало девизом командира взвода. И неукоснительное выполнение этого строгого правила дало свои результаты. Как известно, накануне проверки в частях и подразделениях проводятся контрольно-проверочные занятия (КПЗ) с целью выявить сильные и слабые стороны каждого военнослужащего, воочию убедиться в том, над чем еще предстоит поработать в оставшееся время. Взвод офицера Джаббарова не стал исключением.

Совсем недавно полигон экзаменовал десантников на прочность навыков в огневой подготовке. Причем представители штаба отошли от привычного стандарта выполнения упражнения учебных стрельб. Теперь, чтобы занять место на огневом рубеже, воинам предстояло совершить марш-бросок. После стремительного бега, когда учащенно бьется сердце, когда на восстановление дыхания нет ни секунды, вести прицельный огонь довольно сложно. Да, сложно, но только не десантникам офицера Джаббарова. Таким новшеством их не удивишь. Войсковое стрельбище от расположения части находится на приличном расстоянии, и каждый раз воины практически половину его, что составляет ни много, ни мало, а более десяти километров, преодолевали бегом, после чего тут же приступали к стрельбе. Поначалу кривая показателей резко поползла вниз, но опыт, как говорится, дело наживное. Уже после нескольких таких «репетиций» десантники без особого труда поражали мишени первыми выстрелами. На проведенном КПЗ они вновь блеснули мастерством. Командир гранатометной секции сержант Мурад Худайбердыев, пулеметчик рядовой Отабек Ризаев, снайпер рядовой Аббос Курбанов и многие другие их сослуживцы действовали выше всяких похвал. А это означает, что и на проверке они будут чувствовать себя уверенно и приумножат славу родного коллектива.

Я. КОРУКА.

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

Шартнома бўйича хизмат катта сержанти Муртоз Ражабов командирлик қилаётган гуруҳ посбонлари илғорликда кўпчиликка намуна. Бу ҳам бўлса, командирнинг тажрибаси, маҳоратидан, айниқса, синов машғулотларига тайёргарлик авж олган айни пайтда Муртознинг шунқорларида янада шижоат, қатъиятни кўриш мумкин.

Н. ЮСУПОВ суратга олган.

УЛАРНИ АЪЛО БАҲОЛАР КУТАЯПТИ

Оддий аскар Орипбой Раимов Нукусдан, ўз йигитлик бурчини ўтаётганига бир йил бўлди. Бундан олдинги ўқув мавсумларида яхши натижаларни қўлга киритган.

— Қишки мавсум ўқув машғулотлари бошланиши билан барча тайёргарликлар бўйича ўзимизнинг назарий ва амалий билимларимизни янада чуқурлаштиришга қатъий киришиб кетдик,— дейди у.— Менинг касбим —ўқчи. Ўтган мавсумларда ижтимоий-сиёсий, жисмоний тайёргарликдан аъло натижаларни қўлга киритганман. Автоматдан мўлжалга отишда, билмадим, бир оз шошдимми, бир оз ҳаяжонландимми, хуллас, «тўрт» баҳо олиб қолганман. Шунинг учун ҳам бу мавсумда нишонга отиш машқларига кўпроқ эътибор қаратдим. Барча тайёргарликлар бўйича синов машғулотларига юз фоиз ҳозирман. Натижаларим фақат юқори бўлишини истайман.

Оддий аскар Сардор Ниёзметов, Урганчдан. Ҳизмат қилаётганига энди олти ой бўляпти,

— Бўлажак синов машғулотлари мен учун биринчи ҳисобланади,— дейди у.— Қисқа фурсат ичида кўп нарсаларга ўргандим. Айниқса, ўзимни жисмоний жиҳатдан анча пишигандек ҳис қиляпман. Тўғрисини айтишим керак, армияга келгунимча жисмоний тайёргарлигим юқори даражада эмас эди. Спорт билан доимий равишда шуғулланмаганман. Армияда жисмоний тайёргарлик машғулотлари тамоман ўзига мафтун этиб олди. Айни чоғда югуриш, турникда тортилиш, тош кўтариш менинг жони дилим.

Жуда уста спортчи бўлиб кетмаган бўлсам-да, ҳар қалай, мен олдинги Сардор эмасман. Мавсум давомида бошқа тайёргарликлар бўйича ҳам баҳоли қудрат шуғулландим. Ўзим учун биринчи бўлмиш синов машғулотларидан ёруғ юз билан ўтишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Командирларим, мендан олдин хизматларини бошлашган сафдошларим менга ҳар томонлама кўмак бериб келишяпти. Шунинг учун ҳам фақат яхши натижаларни қўлга киритишим керак.

Оддий аскар Журъат Равшанов, Қаршидан. Хизмат қилаётганига бир йил бўлган,

— Армия йигит кишига ўзини ўзи кашф қилиши учун имкон берар экан,— дейди у.— Ростини айтсам, армияга келгунча бирор кишининг сочини олган эмасман. Бу ерда сафдошларимнинг сочларини олавериб, ҳозир соч олишга қўлим анча келишиб қолди. Барча сафдошларим мени «сартарош» деб аташади. Билмадим, бу номга лойиқманми, йўқми, қўлимдан келганча шу ишни бажаряпман.

Ўтган ўқув мавсумида аълочилар сафидан жой ололмаганман. Қишки мавсумда астойдил тайёргарлик кўрдим. Мен ҳозир ўзимни барча тайёргарликлар бўйича синов машғулотларига шайдек ҳис этаяпман. Ўтказилажак синов машғулотларидан фақат юқори натижаларни қўлга киритмасам бўлмайди.

Мен уч аскар билан узоқ суҳбатлашдим. Уларнинг машғулотлардан сўнг нима билан машғул бўлишлари билан қизиқдим. Бўш вақтларини қандай ўтказишларини кузатдим. Учаласи ҳам машғулотларда фаол посбонлардан экан. Сабоқларни имкон қадар мукаммалроқ ўзлаштиришга ҳаракат қилишяпти. Бўш вақтларини ҳам бекор ўтказишмайди, китоб ўқишади, уйларига хат ёзишади, спорт билан шуғулланишади.

Ҳа, айтгандай, улар хизмат қилишаётган ҳарбий қисмда мўъжазгина кутубхона мавжуд. Кутубхонага Инобат Шерматова мудираликқилмоқда.

—Орипбой, Сардор, Журъат тез-тез кутубхонамизга кириб туришади,— дейди у киши.— Ўзбекча китобларимиз унчалик кўп эмас. Мен сизга айтсам, учаласи бор китобларни ўқиб бўлишибдиёв. Опа, дейишади улар, янги китоблардан қачон олиб келасиз? Янги китобларни харид қилиш маблағга боғлиқ. Ҳал бўлиб қолар. Улар кутубхонамизда ўтказаётган барча тадбирларимизда канда қилмай фаол иштирок этиб келишяпти. Аскарларимиз орасида ана шундай китобсеварлар борлиги мени хурсанд қиляпти.

Аскарнинг севиб китоб мутолаа қилиши яхши ҳолат. Китоб кишини ўйлашга, фикрлашга ўргатади. Китоб маънавий жиҳатдан камол топишнинг асосидир.

Мен шу нарсага ишонч ҳосил қилдимки, оддий аскарлар Орипбой Раимов, Сардор Ниёзметов ва Журъат Равшановлар барча сафдошлари қатори яқинда бошланадиган синов машғулотларига жиддий тайёргарлик кўришяпти. Тайёргарлик ўз мевасини беради. Олдинда Орипбойни ҳам, Сардорни ҳам, Журъатни ҳам фақат аъло ва яхши натижалар кутаяпти.

Майор А. ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири,
Жиззах гарнизони.

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

НАДЕЖНЫЙ ЗАСЛОН

РЕПОРТАЖ

Едва первые лучи солнца проникли в горное ущелье, как с командного пункта батальона прозвучал условный сигнал. Личный состав блокпоста под командованием лейтенанта Ш. Имонова занял заранее оборудованные огневые позиции. Наступил решающий этап учений с боевой стрельбой: отражение попытки «незаконных вооруженных формирований» прорваться из кольца окружения.

Первой на горной тропе появилась разведка «боевиков». Командир взвода лейтенант Ш. Имонов принимает решение уничтожить ее огнем снайперов. Не успели разнестись по горам винтовочные выстрелы, как на горных склонах выросло около 20 мишеней. Это пошли на прорыв основные силы «противника».

Вот где пригодились приданные горным стрелкам расчеты крупнокалиберных пулеметов, зенитных установок и автоматических гранатометов. Командир установки ЗСУ-2 старший сержант С. Эльмуродов отдает команду на поражение группы дальних целей. Даже невооруженным взглядом видно, как разносят в щепки фанерные мишени зенитные снаряды.

«Заговорил» автоматический гранатомет под командованием рядового И. Юлдашева, наполнив ущелье гулким эхом разрывов. Наводчик рядовой Бахром Камалов, только недавно начавший службу в Вооруженных Силах, за неполные полгода вполне освоил свою профессию, и разрывы гранат ложатся точно в центре группы «боевиков».

Отличились и подчиненные младшего сержанта контрактной службы Уткура Мардиева, недавно окончившего Самаркандскую школу подготовки сержантов. Его боевая группа действовала на самом опасном направлении и в упор уничтожала пытавшихся приблизиться к блокпосту «боевиков». В ходе отражения нападения «противника» успешно действовали наманганец рядовой Хошим Атаджанов, хорезмиец рядовой Сардор Собиров, его земляк рядовой Анвар Юлдашев. Хошим поразил две мишени выстрелами из гранатомета, а Анвар и Сардор вели меткий огонь из автоматов.

В решающий момент «боя» в него вступили, выдвинувшись на выгодную позицию, наманганец рядовой Ислом Низамов и ташкентец рядовой Насиб Ядгаров. Их крупнокалиберный пулемет «Утес» уничтожил пытавшихся обойти позицию горных стрелков «боевиков».

В это время начала свою работу и поддерживавшая действия горных стрелков артиллерия. Присутствовавший на блокпосту корректировщик лейтенант И. Базаров сообщил артиллеристам и минометчикам координаты основных групп «противника» и, отслеживая разрывы, начал корректировку огня.

В составе батареи, где старшим офицером лейтенант Ф. Кадиров, за командиров огневых групп действовали курсанты четвертого курса Самаркандского ВВАКИУ Шерзод Шодманов и Ботыр Джуманов. Оба показали себя в ходе стажировки грамотными артиллеристами и умелыми командирами. Выпущенные их подчиненными снаряды окончательно похоронили надежды «боевиков» вырваться из окружения.

А сверху уже послышался гул самолетов. Это начали воздушную разведку авиаторы, чтобы ударами с воздуха поддержать действия горных стрелков.

...Поступил сигнал о прекращении огня. Подчиненные лейтенанта Ш. Имонова, выпускника ТВОКУ 2001 года, успешно завершили выполнение учебно-боевой задачи, поставив надежный заслон «боевикам». Теперь наступила очередь специальных подразделений внутренних войск МВД и правоохранительных органов. Солдаты правопорядка проведут «зачистку» местности, а представители правоохранительных органов соберут все вещественные доказательства противоправной деятельности «незаконных вооруженных формирований».

Но это уже следующий этап учений. А пока подчиненные лейтенанта Ш. Имонова разряжают оружие и принимают поздравления от боевых товарищей и командиров. Учебно-боевая задача выполнена успешно.

Подполковник
В. КАЛОШИН.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 3 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТИГА

Олий Мажлисда 2 апрель куни соат 15.00 да «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 2 апрель куни соат 17.00 да бўлади.

Олий Мажлисда 3 апрель куни соат 11.30 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 14.30 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

САЙЁРАМИЗ АДОСИ

ИСЛОМОБОД. Покистон ҳукумати ўтган ҳафта Файсалаҳад ва Лаҳор шаҳарларида ҳибсга олинган 20 нафар жангарини АҚШ хавфсизлик кучлари ихтиёрига топширди. Хабарларга кўра, улар тез кунларда АҚШнинг Гуантанамодаги «Толибон» ҳамда «Ал-қоида» жангарилари сақланаётган ҳарбий лагерига жўнатилади.

Айни пайтда уларнинг шахси аниқланмоқда. АҚШ махсус хизмат вакилларининг айтишича, ҳибсга олинганлар орасида «Ал-қоида» экстремистик гуруҳининг етакчиларидан бири Абу Зубайда ҳам бўлиши мумкин.

***

БОГОТА. Эквадорда уч ҳафтадан бери давом этаётган ёнгинчарчилик сув тошқинини юзага келтирди. Натижада камида йигирмага яқин одам ҳалок бўлди, мингдаб одам бошпанасиз қолди. Табиий офатдан мамлакатнинг Тинч океанига туташган вилоятлари кўп талафот кўрди. Айрим ҳудудларда сувнинг сатҳи икки метрга етди.

***

ТЕЛЬ-АВИВ. «Ал-Жазира» телеканалининг хабар қилишича, Исроил аскарлари Рамаллоҳ шаҳрида ҳибсда турган фаластин хавфсизлик хизматининг 30 нафар ходимини қатл этган. Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Калкилия ва Вифлеем шаҳарлари тўлиқ Исроил назоратига ўтган.

***

МОСКВА. Ингушетиянинг Чеченистон билан чегарадош Малгобек туманида қурол-яроғ сақланаётган ертўла топилди. Маҳаллий милициянинг маълум қилишича, ертўладан ўттизта гранатамёт, учта автомат, 5 килограмм пластит моддаси, пулемёт ва ўқ-дорилар чиққан. Ҳозир текширув ишлари ўтказиляпти.

***

ЛОНДОН. Буюк Британия ҳукумати Ироқда оммавий қирғин қуроли борлиги ёки бу мамлакат шундай қуролни қўлга киритишга ҳаракат қилаётгани тўғрисида исбот ва далилларга эга эмас. Мамлакат бош вазири девонхонаси шуни маълум қилди.

Девонхона вакилининг таъкидлашича, ҳукумат бундай далилларни қўлга киритган заҳоти матбуотга эълон беради.

***

КУАЛА-ЛУМПУР. Малайзия пойтахтида Ислом конференцияси ташкилотининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги махсус учрашуви бошланди. Уч кун давом этадиган анжуманда давом этадиган анжуманда терроризмга қарши кураш ҳамда Яқин Шарқдаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

(ЎзА).

ЙИГИТЛИКДА ЮРАКДА ЎТ БЎЛАДИ

Бугунги кунда оддий аскар Ришад Бобоқулов катта оператор вазифасида. Муддатли ҳарбий хизматини энди бошлаган пайтлар ҳатто саф тайёргарлигида бир қатор хатоларга йўл қўйган посбон ҳаёт мактабида тобланиб, етук ўғлонга айланаётир. Бунинг сабаби оддий: жамоадаги аҳиллик, ўзаро кўмакдошлик. Аммо фақат шу омилларга суяниб, хулоса қилсак, хато бўлиши мумкин. Бунда аскар йигитнинг шижоати, қатъияти, изланишини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Энг муҳими, оддий аскар Бобоқулов хатолардан тўғри хулоса ясай биладиган посбон. Дейлик, у ёш аскарлар йиғинида саф тайёргарликларидан кўплаб хатолар қилди. Қадам ташлашлари негадир дадил-дадил чиқмади, юриб борганча бурилишларда ҳам камчиликлар кўзга ташланди. Шу боис у кичик командирининг бу машқларни бажаришини обдан кузатди. Майда-чуйда деталларигача эътибор қаратди. Сўнгра ўзи ҳам уриниб кўрганди, машқи бир оз яхшиланганини сезди. Буни такрор-такрор бажарди. Ҳатто дам олиш пайтида ҳам. Шу ўринда йигитнинг бир характерини айтиб ўтмоқ жоиз. Бир ишни то кўнгилдагидек бажармагунча тинмайди. Изланади, интилади, ҳаракат қилади, хуллас, мақсадига етади. Буни ижобий маънодаги қайсарлик, десак ҳам бўлади.

Ҳарбий Қасамёдни қабул қилгач, зенитчилар қисмида хизматини давом эттирди. Сафга келиб қўшилган ҳар бир посбон интилиши, билими инобатга олиниб, тегишли вазифаларга тайинланди. Шу жумладан оддий аскар Р. Бобоқулов ҳам. Ришад даставвал операторлик вазифасини бажарди. Очиғи, бу вазифанинг моҳияти назарий жиҳатдан ўргатилиб, амалда кўрсатилса ҳам посбон уни тўла англаб етмади. Яъни, ўзи бажариб кўрмагунча эплаш мушкул эканлигини сезди. Бунда унга тажрибали кичик командир кичик сержант Аҳаджонов яқиндан ёрдам берди. Кичик командир бир-икки бора оддий аскар Бобоқуловга хатоларини тушунтирган эди, уларни ортиқ такрорламади. Хуллас, муайян вақт мобайнида соҳасини эгаллади, қўйди. Эндиги вазифа эса уни хатоларсиз бажариш эмас, ютуққа эришиб, жамоаси илғорлигини таъминлашдан иборат эди. Бу борада унга гуруҳ командирининг ўринбосари шартнома бўйича хизмат сержанти Жасур Ҳимматов яқиндан кўмаклашди. Жасур қўл остидаги бу посбонга тажрибаларидан ўргатди, ютуққа эришиш йўлларини тушунтирди. Шу зайлда Ришадда касбий маҳорат шакллана борди.

Ҳademай ниҳоясига етадиган мавсум машғулотларида оддий аскар Р. Бобоқулов жанговар техника, қурол-аслаҳа илмини пухта ўрганди. Дала-ўқув машғулотларида амалий машқлар бунга замин яратди. Дарвоқе, муддатли ҳарбий хизматига бир йил тўладиган посбон айнан ана шу мавсум бошида янги вазифа — катта операторликка тайинланди. Бу бир томондан тажрибаси, маҳорати ошгани учун унга билдирилган ишончдан дарак берса, иккинчи томондан масъулиятнинг ортганини кўрсатади. Ишқилиб, бу ишонч, бу масъулият олдида юзи ёруғ посбоннинг, Гуруҳ командирининг ўринбосари шартнома бўйича хизмат сержанти Ж. Ҳимматовнинг фикри сўзимиз исботи: «Оддий аскар Бобоқулов мавсум машғулотларида фаол қатнашиб, қатор ютуқларга эришди. Синов машғулотларида ҳам унинг ишончи оқлашига аминман».

Йигитлик даврида юракда ўт бўлади, дейишади. Унинг кучини беҳуда нарсаларга сарфловчилар ҳам бор, Ришадга ўхшаб юрти равнақи, тинчлиги, осойишталигини мустаҳкамлашга йўналтирадиганлар ҳам бор.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

● БАҲОРГИ ЧАҚИРУВ ОЛДИДАН

ВАТАННИНГ ШИМОЛИЙ САРҲАДЛАРИДА

Хоразм воҳасини Шовот канали қоқ иккига бўлиб, кесиб ўтади. Гоҳи пайтларда пишқириб оқадиган бу канални кичик дарёмикан, дейсиз. Сув бор жойда ободлик бор. Айтишларича, бу каналнинг қайтадан қазилиш тадбирига Абулвози Баҳодирхоннинг ўғли Анушахон бош-қош бўлган. Ана шунинг учун ҳам каналга шоҳ номи берилади — Шоҳобод. Йиллар изидан йиллар ўтиб, халқ бу шарафли исмни қисқартириб айтмоққа кўникади: Шовот. Мазкур канал номини олган туман шу тариқа воқеликка айланган, дейдилар.

— Ёши улуғ одамлардан эшитишимизга қараганда, Шовот атамаси бундан 320 йил аввал пайдо бўлган экан, — дейди «Шовот истиқболи» газетасининг бош муҳаррири Комилжон Мухторов. — Шу санани туман ижодкорлари нишонладилар.

— «Шовот мавжлари» китоби тайёрланиб, чоп этилди. Бу тўпламга тарихий мақолалар, туман ижодкорлари бисотидан намуналар киритилган. Масалан, Ота Ниёзий, унинг ўғли — Шарқ оламида машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов ва бошқа ўнлаб шоиру фузололар ҳаёт йўли битилган бу китобга туман ҳокими Бобохон Исломов сўзбоши ёзди.

Ҳа, дарҳақиқат, шовотликлар номдор аждодларидан фахрланишни ўрнига қўйишади. Тарихдан фахрланибгина қолмай, ўша шоншавкатга муносиб бўлишга интилишади. Туманда истиқомат қилаётган исталган ёши улуғроқ кишига Комилжон ҳофиз, Нуржон ботир ҳақида савол берсангиз, мароқ ила сўзлайдилар ва ҳозирги ҳаётдан шукроналик тилга кўчади. Тўғри, ҳамма нарса хамирдан қил суғургандек силлиқ кечмаяпти. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётгани боис қийинчиликлар ҳам бисёр. Бироқ, барибир, Шовотнинг бугунги куни ўзгача...

Туман мудофаа ишлари бўлимида амалга оширилаётган ишлар билан таништим мақсадида «марказ»га йўл олдим. Бироқ, мудофаа ишлари бўлими янги бинога кўчиб ўтганлигини айтишди. Яна қаерга денг: Шовот канали соҳилида қад ростлаган замонавий типда қурилган бинога. Анчадан бери туман ҳарбийлари билан суҳбатлашмаган эдим. Ҳар қалай ўзинг туғилиб ўсган тумандаги аҳволни ўрганиш қизиқ-да...

— Ҳозирги кун — биз учун ниҳоятда муҳим. Яқинлашаётган баҳорги чақирув энг қизғин палла ҳисобланади, — дейди туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи муовини, бўлинма бошлиғи майор Нуриддин Ражабов.— Биз йигитларимизни муддатли ҳарбий хизматга йўллабгина қолмасдан, уларнинг қизиқиш, истакларини ўрганиб чиқамиз ҳам. Негаки, шовотлик йигитлардан иқтидорли офицерлар етишса ҳаммамиз учун фахру ифтихор.

— Ҳамюртлардан кимлар ёш йигитларга намуна бўлмоғи мумкин?

— Аввало, полковник Қадамбой Вафоевни таъкидлашни истардим. У киши айни кунда Жиззах авиация билим юрти бошлиғи. Мазкур билим юрти борасида «Ватанпарвар»да кўп мақолалар ўқиганмиз.

Суҳбатга бўлимнинг яна бир ходими майор Илҳом Нурметов қўшилади: — Қаландаровлардан Эркинни танисангиз керак? Ҳозир у подполковник. Тошкент гарнизонига қарашли ҳарбий қисм командири.

Ҳақиқатан ҳам подполковник Эркин Қаландаров билан кўп қишлоқдошлари фахрланишади. Ҳатто, уни кўриб кетмоқ мақсадида ҳарбий қисмга борганларни эшитганмиз. Мамлакатнинг энг чекка қишлоқларидан бири бўлмиш Иҳтимоиятдан шундай иқтидорли офицер чиқиб, ўз ўрнини топганидан ҳамқишлоқлари мамнун.

Яна Маҳтумқули жамоа хўжалигидан подполковник Норбой Машарипов. Нукус гарнизонида хизмат қиладди. Майор Баҳодир Пиржонов... Бу каби офицерлар фаолияти туманда ҳарбийлик касбига қизиқишни янада оширади, албатта.

Шовот тумани чеккасида Моноқ участкаси бор. Бу участка аввал, йигирманчи аср-нинг бошларигача алоҳида ҳокимлик эди. Бу ҳақда йилномаларда аниқ маълумотлар бор. Хусусан, Ҳасанмурод Лаффасий «Тазкираи шуаро» номли китобида (нашрга тайёрловчи П. Бобожонов. «Тазкираи шуаро», «Хоразм» нашриёти, 1992 йил) Хива хони Саид Муҳаммад Раҳимхон II Нуржон ботирни Моноқ ҳокими вазифасига тайинлагани борасида маълумотлар келтиради.

Нуржон ботир Баҳодирий тахаллусида ғазал, муҳаммаслар битган. Жумладан, қуйидаги сатрлари қўшиққа айлангани боис то ҳанузгача ёши улуғ кишилар хиргойи қилиб юришади: Эй Баҳодир ғам ема ҳар иш худо тақдиридур, Сен тавоф этган пиринг худонинг шеридур...

Яна бу ерда Баянгон шаҳри қолдиқлари мавжуд. Халқ достонларини куйлаган бахшилар тилга оладиган ўша Баянгон. Гўрўғли асранди ўғлини айнан шу шаҳардан олиб кетган. Баянгон — чапдаст жангчи Авазхоннинг ватани.

— Газетамизда тарихий мавзулар ҳарбий-ватанпарварлик мавзусига муштарак шаклда ёритилади, — дейди Комилжон Мухторов. — Масалан, Баянгон тарихи, Нуржон ботир ва шу каби қизиқ мавзулар ўсмирларда эътиқодни янада мустаҳкамлайди.

— Саноқли кунлардан сўнг баҳорги чақирув мавсуми бошланади, — дейди майор Нуриддин Ражабов. — Биз бу мавсумни кўнгилдагидек ўтказишда бор имкониятларимизни ишга соламиз. Хусусан, армия ёшига етган йигитларимиз Ватан ҳимояси нелигини чин юракдан англайдилар. Улар жисмоний ва маънавий жиҳатдан тараддуд кўришади.

Ватаннинг шимолий сарҳадларида шунақа тайёргарликлар авжида. Аждодлари шон-шавкатини ёдлаб, муқаддас тушунчани юракда асрайдиган йигитлар ўша довруққа монанд хизмат қилмоғига ишончимиз комилдир.

Б. РЎЗИМАТОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ТВОИ СЫНОВЬЯ, УЗБЕКИСТАН!

КРЕПЧЕ СТАЛИ И БРОНИ

Вряд ли останется равнодушным тот, кто хоть однажды увидит, как в стремительном атакующем порыве ведут боевые действия мотострелковые или танковые подразделения, как, сметая все на своем пути, несется стальная лавина навстречу «противнику». Содрогается земля, прижатые к корпусам жерла пушек выбрасывают снаряд за снарядом, наполняя окрестности непередаваемой мелодией боя. Но поддавшись гипнотической силе этого зрелища, мы порой забываем о тех, кто правит этот бал, кто, обливаясь потом, управляет грозными машинами, приумножая мощь и славу Вооруженных Сил. Кто они, эти чудо-богатыри, властной руке которых повинуется многотонная махина? Супермены, суперпрофессионалы? Нет, это обычные восемнадцатилетние парни, которые совсем недавно еще и не подозревали о своей будущей профессии. Но есть в них то, что делает их богатырями — твердость духа, которая тверже стали и брони. Об одном из них, о ком командиры и сослуживцы говорят: «Специалист отличный, товарищ надежный», сегодня небольшой рассказ.

Юркая бээмпэшка, ловко лавируя меж глубокими выбоинами разбитой колеи, упрямо продвигалась вперед. Цепко держа штурвал управления, механик-водитель Ислам Норматов внимательно следил за трассой и показаниями приборов на передней панели. Жесткий норматив не позволял расслабляться. «Так, накинь еще немного оборотов», — подгазовывая педалью акселератора, словно с живым существом разговаривал он с двигателем. И боевая машина, как будто понимая, чутко реагировала на его малейшее движение. Финишную черту Ислам преодолел на максимальной скорости и, как говорится, нутром почувствовал, что в отведенное норматив время уложился. Оценочный показатель, действительно, был самым высоким, но сколько сил потрачено, чтобы прозвучало это емкое «отлично».

Накануне предстоящего занятия рядовой Норматов особенно тщательно готовил вверенную ему технику. Проверил исправность силовой установки, ходовой части, работу фар и габаритных огней. Он давно усвоил простую житейскую философию: техника, какой бы надежной она ни была, остается техникой, а управляет ею человек. А потому нельзя упускать ни одной детали, в противном случае это дорого может обойтись. В последний раз обойдя вокруг машины, он озабоченно подумал: «Все ли сделал как надо? Все ли предусмотрел?». На всякий случай еще раз проверил работу приборов управления и «погонял» двигатель на холостых оборотах. Прислушиваясь к его ровному гулу, с удовлетворением отметил: «Ну вот, теперь, кажется, все».

Но все ли? Наверное, по-другому отнеслись бы к солдату в коллективе, если бы жил тот по принципу «моя хата с краю». Но за то и уважают Ислама сослуживцы, что всегда придет он на помощь. Вот и сейчас увидел, что его товарищ рядовой Н. Курбанов «зашивается», поспешил на подмогу. Вместе обслужили казенную часть пушки, проверили исправность стабилизационного механизма, выверку прицела. Функции приходилось выполнять не совсем свойственные механику-водителю, но рядовому Норматову не привыкать. Слава мастера на все руки не случайно закрепилась за ним. Любознательный, пытливый ум воина за время службы позволил ему в совершенстве познать не только свою специальность. При необходимости он может сработать и за наводчика-оператора, а нужно будет — и за командира. Но пока Ислам исполняет свои обязанности и делает это с блеском.

Сегодня, когда до начала контрольной проверки остаются считанные дни, опытный специалист главной своей задачей считает подтянуть новичков. Везде и всюду он вместе с ними: не тоном всезнайки, а дельным советом, конкретным делом обучает он начинающих специалистов, и дело движется. На недавних занятиях рядовые Э. Ходырбаев и С. Юнусов заметно улучшили свои показатели, и когда покинули боевые машины, то первым делом направились к своему наставнику. Нет, не звучали слова признательности и благодарности, все за них сказало крепкое мужское рукопожатие. Да, мужское. Ибо вчерашние школьники, пройдя нелегкую школу армии, становятся настоящими мужчинами, настоящими защитниками своей земли, ведь это их долг, их святая обязанность.

Рядовой Норматов решил продолжить честно исполнять свой воинский долг — остаться на службу по контракту. Уже сегодня командиры говорят, что без малейшей тени сомнения будут рекомендовать Ислама в сержантскую школу, где, пройдя курс обучения, он станет истинным профессионалом.

С. НИКОЛАЕВ.

● С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ

Мишени меняют цвет

Наступила весна, а вместе с ней и время подведения итогов боевой учебы за зимний период обучения. У подчиненных майора Э. Тухтаева, начальника полигона части, горячая пора — подготовка учебных полей к контрольным занятиям.

Первое, что сделали с приходом весны военнослужащие полигонной команды, — поменяли цвет мишеней. Теперь они не с белыми маскировочными пятнами, а защитного цвета, сливающиеся с покрытой изумрудной травой местностью.

Начальник войскового стрельбища старшина по контракту Амин Хамраев в Вооруженных Силах с 1998 года. Закончил Бухарский автодорожный техникум, приобрел дефицитную специальность сварщика. Но после срочной все же остался в воинской части. Во многом благодаря его заботам и умелым рукам сложное полигонное хозяйство исправно служит делу подготовки отличных стрелков в мотострелковых и других подразделениях.

У него хороший помощник оператор рядовой Олимжон Очилов, который работает на совесть и всерьез желает связать свою жизнь с армией. Его мечта — поступить в Чирчикское ВТКИУ, и он справедливо считает, что полученные в армии закалка и опыт службы помогут ему в будущем гораздо успешнее освоить военное дело, стать умелым командиром и воспитателем подчиненных. Олимжон искренне рад, что ему в ходе службы выпало поработать на полигоне. Теперь он хорошо представляет себе, как организуется и проводится обучение солдат и сержантов искусству меткого огня.

На завершающем этапе зимней боевой учебы подразделения на учебных местах сменяют друг друга почти непрерывно. Мотострелки и связисты, разведчики и автомобилисты — все наверстывают то, что было упущено в ходе боевой учебы, закрепляют в ходе выполнения упражнений учебных стрельб приобретенные ранее знания, умения и навыки. В четком расписании дневных и ночных занятий практически нет пропусков, и полигонной команде приходится работать в жестком режиме. Практически времени для отдыха не остается, ведь в выходные дни необходимо готовить учебные поля к следующим занятиям.

Старший сержант Рустам Мамаджонов на судьбу не сетует. Он всего несколько лет назад отслужил срочную службу и хорошо знает, как переживают военнослужащие, если в ходе стрельбы по вине полигонной команды случаются задержки. А если «накладка» случится в ходе контрольных занятий за зимний период обучения? Разве не повлияет она на конечный результат полугодового труда целого подразделения?

Поэтому, став начальником стрельбища, он старается не дожидаться неприятностей, регулярно проводит профилактическую работу, чтобы вверенный ему участок в любую минуту мог принять для выполнения учебных стрельб очередное подразделение. Зато как приятно услышать от получивших отличные оценки солдат и сержантов слова благодарности за безупречную организацию стрельбы.

Вот почему, с сигналом «отбой» после окончания стрельбы не покидают учебных полей полигона подчиненные майора Э. Тухтаева. Предстоящая проверка — это и их экзамен на профессиональную зрелость, и они делают все, чтобы не подвести сослуживцев, обеспечить им самые беспристрастные и объективные условия для оценки качества огневой выучки, полученной в ходе боевой учебы.

Подполковник В. КАЛОШИН.

На снимках:

— старшина по контракту А. Хамраев и рядовой О. Очилов проводят обслуживание и замену мишеней на стрельбище (внизу);

— начальник стрельбища старший сержант Р. Мамаджонов проверяет работу пульта управления мишенной обстановкой.

Фото Н. ЮСУПОВА.

Чин посбонлик йўлида

Мен Ангрен гарнизонида хизмат қилаяпман. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганимга ҳам мана бир ярим йил бўлаяпти. Аскарликнинг қайноқ ҳаёти мени бутунлай бошқа одамга айлантирди, десам муболаға бўлмайди. Чунки хизматнинг илк кунлариданоқ қадам ташлашимдан тортиб муомаламгача ўзгарди, кундалик ҳаётимдаги қатъий ўзгаришларда чиниқдим, тобландим. Ватан, ота-онага садоқат ва меҳр тушунчасини чуқур англаб етдим. Умуман олганда, ҳарбий хизмат мени ҳақиқий йигит, посбон қилиб тарбиялади.

Биз ҳозирда қишки ўқув мавсуми якуний синов машғулотларида қатнашишга шай турибмиз. Мен ва сафдошларим назарий ва амалий машғулотларда устозкомандирлардан ўрганган нарсаларимизни намойиш этиб, уларнинг ишончини оқлаб имтиҳонларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширишимизга ишонаман. Мени юртимизга лойиқ посбон бўлиб тарбияланишимда катта сержант М. Якубов ва прапорщик А. Амановларнинг кўмак ва ёрдамлари катта бўлган. Шунинг учун мен уларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Якинда сафимизга ёш аскарлар келиб қўшилади. Биз ҳам уларга хизматнинг илк қийинчиликларини енгиш ҳақида маслаҳатлар берамиз, албатта. Яна шуни ҳам таъкидлашни истардимки, муддатли ҳарбий хизматни тугатаётган посбон сифатида юртимиз тинчлигини асрашга қодир инсон эканлигимдан фахрланаман.

Оддий аскар Отабек ХОЛМАТОВ.

Ким ўзади: Дилшодми, Авазбек?

Оддий аскарлар Дилшодбек Тешабоев билан Авазбек Усмоновлар ўз йигитлик бурчларини ўташга биргаликда бир вақтда киришганлар. Шунга ҳам бир йил бўлди. Бугунги кунда бу икки сафдош бўлинманинг илғор посбонларидан ҳисобланишади. Дилшод Андижон вилоятидан, Авазбек эса Наманган вилоятидан.

— Биз, — дейди Авазбек, — хизматимизнинг илк кунларидан бошлаб Дилшод билан мусобақалашиб келяпмиз. Ҳозирча иккаламизнинг ҳам натижаларимиз бир хил: аъло.

— Менимча, — дейди Дилшод. — Бу сафар Авазбек мендан жисмоний тайёргарлик борасида ўтиб кетса керак. Баъзи узрли сабабларга кўра бу борада тайёргарлигим маромига етган эмас.

— Дилшод, — дейди Авазбек, — осонликча таслим бўладиганлардан эмас. Ундан ўтиб кетиш қийин.

Ким ўзади: Дилшодми, Авазбек? Буни бўлажак синов машғулотлари кўрсатади. Балки иккаласи ҳам яна юқори натижаларни қўлга киритишар. Андак кутайлик вақт ўз сўзини айтади.

Майор А. БАЙРАМОВ.

Военно-политические новости

ЖДУТ КИТАЙСКИЕ КОРАБЛИ

Впервые в истории китайские военные корабли нанесут визит в Японию. Как сообщается из Токио, это беспрецедентное событие произойдет в мае, положив начало новому этапу оборонных обменов. Официально договоренность на этот счет будет оформлена в ходе двусторонних консультаций по проблемам безопасности. Несколько кораблей ВМФ НОАК зайдут в Токийский залив, а Япония в ответ намерена позднее отправить свои корабли к берегам КНР. Кроме того, по имеющимся сведениям, в целях углубления взаимного доверия Токио и Пекин изучают сейчас возможность проведения совместных учений.

Первоначально поход военно-морской группы Китая к островному соседу ожидался в 2001 году. Однако эти планы были расстроены на фоне наступившего резкого осложнения двусторонних связей. Теперь, очевидно, отношения между двумя странами улучшились.

ОЧЕРЕДНЫЕ МАНЕВРЫ

Вооруженные силы Республики Корея и дислоцированный на ее территории 37-тысячный контингент американских войск проводят совместные военные учения. В этом году впервые было принято решение объединить командно-штабные и крупные маневры «Фоул Игл». Главная их часть направлена на отработку вопросов переброски, развертывания и ввода войск в действие в случае возникновения вооруженного конфликта на Корейском полуострове. Участниками военных игр станут также 10 тысяч американских военнослужащих, дислоцированных в зоне Тихого океана и в США.

СОКРАЩАЮТ АРМИЮ

Правительство Камбоджи завершило первый этап сокращения вооруженных сил, насчитывающих почти 100 тысяч человек, на 15 тысяч солдат и офицеров. Каждый демобилизованный военнослужащий получил 240 долларов, а также материальную помощь для устройства в мирной жизни. К концу 2002 года из армии Камбоджи планируется уволить в запас еще 30 тысяч человек.

(По материалам зарубежных СМИ).

● ТЕРРОРИЗМ И ВЕК XXI

СДЕЛАНЫ ПЕРВЫЕ ШАГИ

Терроризм — не новое явление в истории. Многие столетия он используется различными группами людей, как средство для достижения своих корыстных целей. Запугивание, устрашение, репрессии, уничтожение собственности и даже убийство людей являются основным методом террористов в идеологической, политической, социальной и экономической сферах жизни общества.

После относительного затишья, которое длилось первую четверть XX столетия, терроризм возрождается в новой, более изощренной и жестокой форме, причем немалую роль в этом сыграли тоталитарные режимы и религиозные экстремисты.

После второй мировой войны мир, благодаря достижениям современной науки и технологии, стал намного более взаимозависимым в экономическом и политическом отношении. Функционирование какой-либо политической системы уже не определяется имеющимися в границах данного государства структурами, а многочисленными факторами и силами, действующими и в других частях земного шара.

К началу нового, III тысячелетия, накопленные в результате гонки вооружений запасы оружия массового уничтожения (ядерного, химического, бактериологического) стали напрямую угрожать самому существованию человеческой цивилизации. В такой обстановке международные террористы получили в свои руки возможность действовать, не признавая ни границ, ни национальных территорий, ни права на жизнь людей, совершенно случайно оказавшихся в радиусе действия их смертоносного оружия. Сложилось положение, когда ни одно государство, ни один человек не оказались гарантированными от того, что могут стать потенциальной жертвой террористов. Узбекистан уже в первые годы становления независимости напрямую столкнулся с проблемой международного терроризма и экстремизма. Именно Президент независимого Узбекистана И. А. Каримов первым поднял на международном уровне эту проблему, неоднократно предупреждая мировое сообщество, в том числе и с трибуны ООН, о грозящей человечеству опасности.

Расследование террористических актов, совершенных в феврале 1999 года, ясно показало, что они были напрямую организованы сетью международного терроризма. В Узбекистане были предприняты самые серьезные законодательные и организационные меры, позволившие надежно защитить мир и спокойствие в стране, несмотря на продолжающиеся происки международных террористов в 2000—2001 годах. Лучшие сыны узбекского народа отдали свои жизни, защищая свой народ от банд международных террористов. К сожалению, в других государствах не прислушались к голосу разума из Узбекистана, посчитав происходящее в Центральной Азии не имеющим отношения к более мощным в экономическом отношении государствам, хотя акты насилия и террора имели место после ташкентских событий и в других регионах мира.

Только масштаб событий 11 сентября 2001 года в Нью-Йорке и Вашингтоне в полной мере продемонстрировал всю опасность угрозы международного терроризма для всего человечества. Мир изменился, зловещая перспектива уничтожения сотен тысяч человек кучкой маньяков-террористов взволновала все народы мира. Все осознали, что надо предпринимать, и при том предпринимать немедленно, самые экстренные меры, чтобы остановить террор, защитить все, что создано человечеством на протяжении последних тысячелетий, создать всеобъемлющий механизм всеобщей безопасности. Это сегодня является самой безотлагательной проблемой современности.

Благодаря созданию международной антитеррористической коалиции, усилиями, в первую очередь США и Англии удалось наголову разгромить один из главных очагов терроризма — в Афганистане. Примечательно, что именно наша страна, а это признается всеми, сыграла в этом немалую роль.

Этот успех продемонстрировал, что справиться с терроризмом, бросающим вызов международной стабильности, можно только встав на путь многостороннего сотрудничества. Против этой беды сложно бороться в одиночку даже самым мощным в военном и экономическом отношении державам. Неосознание этого и отход от коллективной борьбы против этого мирового зла может привести к появлению его еще более изощренных и губительных форм. Ведь не секрет, что для обладающих мощными финансовыми ресурсами международных террористов не является чем-то невозможным приобретение химического, биологического или даже ядерного оружия.

Сама по себе проблема терроризма требует комплексного подхода, глубокого анализа, привлечения самых широких знаний и проведения глубоких исследований в области политики, экономики, социологии, психологии и безопасности государства. Ученым и политикам Узбекистана, волею судьбы оказавшегося на самом переднем крае борьбы с международным терроризмом, надо продолжать серьезно, тщательно и объективно изучать все составляющие этого явления, выработать научные рекомендации по эффективному противодействию этому злу в нашем молодом независимом государстве. Сегодня, когда налажено эффективное сотрудничество между самыми различными государствами в рамках антитеррористической операции в Афганистане, первые шаги в этом направлении уже сделаны. Теперь дело за серьезной, долговременной работой.

Музроб ТАШМУХАМЕДОВ,
кандидат исторических наук.

ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ

Тўпчилар дивизионига тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари бўлиб келган капитан Акромжон Азизов янги жамоада катта қийинчиликларга дуч келгани йўқ. Мавжуд аҳволни диққат билан ўрганиш, аскарлар билан якка тартибда ишлаш, юзма-юз, ошкора суҳбатлар туфайли у тез кунда шахсий таркибга сингишиб кетди. Тарбиявий ишлардаги ютуқ ва камчиликлардан огоҳ бўлди.

Албатта, офицер бундан мамнун эди. Шундай бўлсада, бошқа бир масала — ижтимоий-сиёсий ахборотхонанинг аҳволи ўйлантириб қўйди уни. Ёзувларнинг кўпи русча. Давлат герби, байроғининг суратлари бору, лекин кўнгилдагидек жойлаштирилмаган, фанерлар рамка қилиниб бўялгану шундайлигича илинган, деворларнинг ранги ўчиб кетган. Қисқаси, аввалги хизмат жойида ўзлари таъмирлаб, безашган ахборотхонадан фарқи жуда катта. Ҳа, ўшанда улар амалга оширган ишларни Президент девонидан келган текширувчилар кўриб мақташган, бутун гарнизонга намуна бўлган эдилар.

Акромжон янги жойда ҳам янгиликларга шайланиб турганда, ёш аскарлар йиғинига жалб қилишди. Ўзгаришлар анча кечикиб кетди. Бироқ, унинг хаёлидан асло кўтарилгани йўқ. Иигим тугаган заҳоти у қисм командирининг ўринбосарига таклиф билан чиқиб, ёрдам сўради.

Хуллас, бир неча кундан сўнг катта ишларни бошлаб юборишди. Ахборотхонадаги стендлар бир-бир олинди, девор қириб, текисланиб, оч ҳаво рангга бўялди. Клуб бошлиғи капитан Валентин Цой, шартнома бўйича хизмат сержанти рассом Салим Саппаровларнинг хизматлари айниқса катта бўлди. Улар белгиланган ўлчам ва чизгилар асосида стендларни қайтадан тайёрлашга, янги ўзбек алифбосидаги матнларни ёзишга бош-қош бўлдилар.

Ниҳоят орзиқиб кутилган кун ҳам келди. Катта-катта стендлар, рамкали ойна ичига олинган суратли ёзувлар тартиб билан илиб чиқилгач, моҳир қўлларнинг ўзи хонани таний олмай қолишди. Айниқса, Акромжоннинг хурсандчилигини чеки бўлмади.

